O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 7 январь, № 5 (3550) Жума

## Такрорий овоз бериш

### ҳам эртанги ҳаётимиз даражасини белгилайди

Биз кўпдан буён орзиқиб кутган 26 декабрь — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов куни ҳам ортда қолди. Қуйи палатага ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар, демократия талабига кўра муқобиллик асосида кураш олиб боришди.

Агар номзодларнинг нисбатига назар ташласак, ҳар бир округга тўрт-бештадан, айримларида эса олтитагача номзод тўғри келганига амин бўламиз. Бу, сўзсиз, сайловчиларга муносибларнинг-да муносибини танлаш имкониятини кенгайтирди. Сайловнинг дастлабки натижалари ҳам ушбу фикрни тасдиқлади.

Биласиз, сайлов қонунчилигига кўра, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи қўллаган номзодгина ғолиб чиқади. Номзодлар ҳақида гапирганда соғлом рақобат муҳитида интеллектуал салоҳияти юқориларига тараф йўқ. Шу боис бир депутатлик мандати учун кураш муросасиз тус ола борди. Маълумки, 120 та сайлов округининг 62 тасида қуйи палата депутатлари аниқланди. 58 та округда эса такрорий овоз берилади. Шу ўринда табиий савол туғилади. Бу ижобий ҳолми ёки салбий? Жамиятда демократик тамойиллар қарор топар экан,

**Халқ. Демократия. Сайловлар**

барча жабҳаларда, жумладан, сиёсий майдонда ҳам эркин муҳит шаклланиб боради. Бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки натижаларига ҳам жамиятдаги ана шу ўзгаришларнинг табиий кўзгуси дея қараш тўғри бўлади. Айниқса, сиёсий партияларнинг мазкур жараёндаги ҳаракати сайловчиларнинг эътиборини кўпроқ қозонишга интилиши жамиятдаги хилма-хилликни кўрсатди. Шу кунларда такрорий овоз бериладиган округларда энг кўп овоз олган икки номзод депутатлик учун курашни давом эттирмоқда. Яна сайловчилар билан учрашувларда баҳслар жиддий тусга кирди.

Шу ўринда маҳаллий Кенгашлар сайлови ҳақида. Маълумотларга қараганда, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказган округларнинг 946 тасида депутатликка номзодлар етарли миқдорда овоз тўплай олишмаган. Ёдингизда бўлса, аввалги сайловларда маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловга эътибор унчалик кучли эмасди. Эндиликда эса маҳаллий Кенгаш депутатлигининг нуфузи ҳар қачонгидан ошган. Нега десангиз, юқори палата — Сенатнинг шаклланишида айнан шу кенгашларга ўтказилган сайлов асос бўлади.

Масала моҳиятини тўлиқ англамаган одамлар «Сайлов ўтди, яна овоз берамизми?» деган фикрга боришлари мумкин. Такрорий овоз беришда ҳам, 26 декабрда бўлганидек, биз эртанги кунимиз учун, ўз истиқболимиз учун овоз берамиз. Бу ҳар бир сайловчида фуқаролик бурчини англатувчи масъулият туйғусини ошириш керак.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Участкада иш қизғин

Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра, айни пайтда белгиланган округларда такрорий овоз бериш жараёнини ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Айтиш мумкинки, такрорий овоз бериш тадбирида ҳам худди аввалгиларидек, тенг, очиқ ва ошкора тарзда ўтилишига эътибор қаратилади.

Пойтахтимиздаги 8-Хадра сайлов округига қарашли 481-участка сайлов комиссиясида бўлганимизда, бу ерда яратилган шароитдан, очиғи, кўнглимиз тўлди. Тушлик бўлишига қарамай, навбатчилар гуруҳи фаоллик билан ишламоқда. Ҳали ҳужжатларни янгилаш, овоз берувчиларни қайта рўйхатдан ўтказиш, ишқилиб, сайлов билан шуғулланаётган аъзоларнинг қўли қўлига тегмайди.

— Кўриб, гувоҳи бўлганингиздек, такрорий овоз бериш тадбирига пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Ҳамдам Ганжаев. — Ҳужжатларни янгиладик, сайловчилар рўйхатини қайтадан туздик. Чунки 9 январгача ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар ҳам такрорий овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Сайловчиларни такрорий овоз бериш тадбиридан огоҳ қилиш, илк маротаба овоз беришда қатнашаётган ёшларга тушунтириш ишларини олиб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

***Бу — долзарб***

— Фуқароларимиз фаол, — дейди суҳбатдошимиз. — Улар билан ҳар гал суҳбатлашганимизда, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаган ана шундай юртдошларимизнинг ҳаракатлари-ю, интилишлари туфайли вужудга келадиган фуқаролик жамияти кўз ўнгимизда гавдаланади.

Ҳақ гап. Ўз келажаги, юрт тақдири учун бефарқ бўлмаслик давр талаби, демократия тамойилидир. Зеро, ҳар биримиз яхши яшаш учун ҳаракат қиламиз, интиламиз. Ана шу яхши яшашимиз эса ўз ҳақ-ҳуқуқимизни қанчалик тўғри ва ҳаққоний англай билишимизга боғлиқ.

**Зиёда АШУРОВА.**



*Пойтахтимиздаги "Тўрт фасл файзи" деб номланган хусусий корхона ташкил этилганига у қадар кўп вақт ўтмаган бўлса-да, унинг маҳсулотлари нафақат маҳаллий, балки хориж бозорларини ҳам эгаллашга улгурди. Чарм ва чарм ўрнини босувчи маҳсулотлардан тикилаётган бири биридан бежирим аёллар ва эркаклар сумкалари катта-кичикнинг эътиборини тортмоқда. Ҳар қандай хориж маҳсулоти билан беллаша оладиган ушбу буюмларнинг муҳим жиҳати ҳам бежирим, ҳам арзонлигида.*

**Суратда: тикувчи Камола Абдуллаева иш устида.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

## Шерзоднинг иқтидорига Афинада ҳам тан беришди

Афинада бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг кўрик-танловида фортепиано бўйича биринчи ўринни Успенский номидаги марказий мусиқа мактабининг 6-синф ўқувчиси Шерзод Турсунов эгаллади.

Ёш мусиқачининг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, 18 та давлатдан, жумладан, Греция, Италия, Латвия, Россия, Украинадан келган мусиқачилар беллашган кўрик-танловда бош совринни қўлга киритиш унинг учун катта шарафдир.

Ш. Турсунов ватанига қайтгач, Бухородаги 5-мусиқа мактабида машҳур бастакорлар — Моцарт, Шуберт, Бах асарларидан концерт намойиш этди.

**А. ҚУДРАТОВ.**
**"Туркистон-пресс".**

## «Омад» — ишончли ҳамкор

***ГУЛИСТОН (ЎзА мухбири А.Адизов).***

Сирдарё вилояти тадбиркор аёллар уюшмаси ҳузуридаги "Омад" кредит уюшмаси сафида вилоятнинг турли туманларидан 617 аъзо бор.

— Ҳозир 60 миллион сўм маблағимиз бор, — дейди "Омад" кредит уюшмаси кенгаши раиси Мавжуда Мирбаратова. — Ҳозиргача икки юздан ортиқ фермер, хусусий тадбиркор, фирма ва кичик корхоналар раҳбарлари бизнинг хизматларимиздан фойдаланди. Олинган маблағларнинг асосий қисми янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришга сарфланди.

Боёвут туманидан фермер Камилла Мирзаева ҳайдов трактори ва тиркама харид қилиш учун кредит олди. Хусусий тадбиркорлар Ортиқой Холбўтаева ва Раъно Азимбоева вилоят марказида тикувчилик цехларини очишга маблағ сарфлашди. "Омад"да истеъмол кредити ҳам мавжуд. Масалан, гулистонлик ёш келин-куёв Мавлуда Турдиева ва Муҳиддин Қодиров мебель сотиб олиш учун 500 минг сўмдан пул олишди.

Бу йил кредит уюшмаси ўз мижозларини анча кўпайтириш имкониятига эга. Маълумки, Осиё тараққиёт банки "Асака" банкда бундай уюшмалар учун 100 миллион сўмгача кредит линиясини очди. Сирдарёлик тадбиркор аёллар янги имкониятлардан фойдаланишни мўлжаллашмоқда.

## ГЕРМАНИЯДА ТУРИСТИК ЯРМАРКА

***Шу кунлари Германиянинг Маннҳайм шаҳрида "Райземаркт Рейн-Неккар-Пфальц" сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтаяпти. Унда Ўзбекистон Республикаси илк бор ҳамкор давлат сифатида иштирок этмоқда.***

"Теле-Маркетинг-Сервис ГмбҲ" томонидан ўн биринчи маротаба ўтказилаётган мазкур туристик ярмаркага дунёнинг 20дан ортиқ мамлакатидан 300дан зиёд туристик фирма ва агентликлар ташриф буюрган.

Ярмарка арафасида ўтказилган матбуот анжуманида сўзга чиққан "ТМС ГмбҲ" жамияти раиси Клаус Франк туризм соҳасининг дунёда тутган мавқеига тўхталиб, Ўзбекистонда сайёҳлик тизими тобора ривожланиб бораётгани ва соҳани янада юксалтириш учун мамлакат улкан имкониятларга эга эканини алоҳида қайд этди.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Бахтиёр Ҳусанбоев республикамиз туристик салоҳияти ва соҳа ривожига ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта эътибор, компания томонидан хорижлик сайёҳлар учун яратилаётган кўплаб қулайликлар, имкониятлар ва келгуси режалар билан анжуман иштирокчиларини таништирди.

"Ўзбектуризм" компанияси соҳага оид ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклиф ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлашини билдириб, немис томонини яқинроқ ҳамкорлик қилишга чақирди.

**Баҳриддин АСЛАНОВ.**
**"Жаҳон" ахборот агентлиги.**
Маннҳайм шаҳри.

## УНМАЁТГАН ҚАРЗ

***2001 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи катта тантаналар билан нишонланди. Юбилейга ташриф буюрган меҳмонлар Термиз мутлақо янги қиёфа касб этганини, кўҳна шаҳар яна ҳам навқирон, кўркам бўлиб кетганини таъкидлашди. Улар янги қурилган бинолардаги ганчкорлик ишлари, шарқона безаклардан ҳайратга тушганликларини ҳам яширишмади.***

Самарқанддаги вилоятлараро «Усто» бирлашмасини нафақат мамлакатимизда, чет элларда ҳам яхши билишади. Бирлашма усталари Париж, Лондон, Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги биноларга, метро бекатларига берган шарқона безаклари билан хорижликларни ҳам лол қолдиришган.

Таъкидлаш лозимки, «Усто» усталари Термиз юбилейига тайёргарлик ишларида ҳам фаол иштирок этдилар. Имзоланган ўзаро шартномаларга асосан улар шаҳардаги «Амфитеатр» биносида ва вилоят ҳокимлиги меҳмонхонаси қурилишида ганчкорлик ишларини амалга оширишди. Бирлашма усталари ўз муддатида буюртмачилар — Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг 13889567 сўмлик, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг 10237600 сўмлик ишларини охирига етказишди. Ҳатто, белгиланган ишлар тўла, ўз вақтида амалга оширилгани тўғрисида бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари тузилди.

Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси «Усто»га 6830522 сўмлик қурилиш материаллари бериб, қарзининг бир қисмини тўлади. Шундан сўнг шаҳар ҳокимлиги 7062045 сўм, вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» эса 10237600 сўм қарздор бўлиб қолди.

Қарз ёмон нарса. Иложи бўлса, уни тезроқ тўлаб қутулган маъқул. Бўлмаса, бошинг балога қолади, судма-суд юравериб чарчайсан. Лекин сурхондарёлик буюртмачилар суддан ҳам қўрқишмас экан. Шунинг учун улар қарзини тўлашга мутлақо шошилишмади.

Орадан ойлар ўтди. Бир-бирин қувлаб йиллар кетди. Лекин қарзларини тўлаш ҳақида буюртмачилар ўйлаб ҳам кўришмади. «Усто» усталари «Сабр таги олтин» мақолига амал қилиб кутишди. Аммо кутишдан ҳеч бир натижа чиқмади. Шундан сўнг Сурхондарёга мактублар жўнатилди. Бирлашма раҳбарлари бир неча марта вилоят ва Термиз шаҳри ҳокимиятларига қарзларини сўраб ёзма мурожаат қилишди. Лекин пул ўрнига турли хил изоҳ битилган жавоблар олди, холос.

***Шартнома — қонун***

Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. У бир куни тугаб қаҳрга айланиши мумкин. Бирлашма усталари оз эмас, кўп эмас, уч йил кутишди. Ниҳоят, 2004 йилнинг бошида улар судга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Ўтган йил 24 февраль куни Сурхондарё вилояти хўжалик суди ушбу ишни кўриб чиқди ва даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Ушбу қарорда Термиз шаҳар капитал қурилиш бошқармасидан 7062045 сўм, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясидан 10237600 сўм «Усто» фойдасига ундириш айтилган. Орадан бир ой муддат ўтгач, ҳал қилув қарори кучга кирди ва ижро варақаси ҳам берилди. Лекин суд қарорини бажариш ҳамон орқага суриб келинмоқда. Тўғри, суд қароридан сўнг «Ягона буюртмачи хизмати» қарзнинг бир қисмини тўлади. Бугунга келиб унинг қарзи 8207896 сўмни ташкил этмоқда.

«Усто» вилоятлараро бирлашмаси ижодий ташкилот ҳисобланади. Битта устани тарбиялаш, вояга етказиш учун йиллар керак бўлади. Афсуски, ундирилмаган қарзлар туфайли бугун бирлашма танг аҳволга тушиб қолган. Бир неча ойдан буён усталар маошларини олишолмаяпти. Натижада кўплари ўз иш жойларини ташлаб кетишаяпти.

— Ўз ҳалол меҳнатининг ҳақини олиш учун йиллаб чопиш одамга алам қилар экан, — дейди бирлашма раҳбари Жўрақул Иноятов. — Усталаримизни дунёнинг жуда кўп мамлакатларида яхши танишади, уларнинг санъат асари даражасида бажарган ишларини қадрлашади. Сурхондарёда эса...

«Усто» ва Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ягона буюртмачи хизмати» компанияси ўртасида тузилган шартномада бажарилган иш учун ҳақ тўлашнинг ҳар бир кечиккан кунига маълум миқдорда пеня қўшилиши белгиланган. Агар суд шуни ҳам ҳисобга олганда буюртмачиларнинг қарзи 15 миллион эмас, 20 миллион сўмдан ҳам ошиб кетарди. Бундан ташқари, суд жараёнида ўтган тўрт йилда пулнинг қадрсизланиши ҳам ҳисобга олинмади. Усталар суднинг қароридан норози эмас. Улар бажарган ишларининг ҳақини тўлашларини исташаяпти. Буюртмачилар эса баҳона излашдан чарчашмаяпти. Энг ачинарлиси, шу унмаган қарзлар туфайли ўз санъатлари билан Ватанимиз, халқимиз шуҳратини хорижда ҳам кўз-кўз қилаётган «Усто» вилоятлараро бирлашмаси тарқалиб кетиши мумкин. Афсус...

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**ДИҚҚАТ:** ***республика ижодий танлови!***

## «ВАТАН ҒУРУРИ»

*Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 7 декабрда Оқсарой қароргоҳида Ватаннинг юксак мукофотларини, шу жумладан, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга Амир Темур орденини топширар экан, унинг оддий бир ўзбек оиласидан эканлигини, Тошкентнинг эски даҳаларидан бирида туғилганлигини, бир қарашда кўпчиликдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва камтар йигитлигини, айни пайтда худди шу йигит бутун дунёни ҳайратга солганлигини, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистон шуҳратини юксак даражага кўтарганлигини фахр-ифтихор билан таъкидладилар.*

*Халқимиз орасида Рустам Қосимжоновдай Истиқлол уйғотган, қалбида Ватан шаънини баланд тутган, элим-юртим дейдиган, фидойи, олижаноб ният-мақсадли одамлар оз эмас. Уларни ҳаётнинг барча соҳаларида учратишимиз мумкин. Бундай фуқароларнинг эл-юртга, она заминга битмас-туганмас меҳри, миллий ғурури ва орияти — Ўзбекистоннинг бебаҳо куч-қудрати манбаидир. Шундай заҳматкаш инсонлар бор экан, Ватанимиз шаъни юксалаверади, ҳаётимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.*

*Истагимиз шуки, бундай ажойиб инсонларни, уларнинг қалбидаги Ватан ғururини, бу ғурур қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳамма билсин, шундай юксак ғурурли юртдошларимиздан бошқалар ҳам ғурурлансин!*

*Шуни эътиборга олиб,*

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти «Ватан ғурури» республика ижодий танловини эълон қилмоқда.**

*Танлов 2005 йилнинг август ойида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида якунланади.*

*Ижодий танлов майдони кенг ва ҳаммага очиқ. Фақат талаб битта: бевосита ҳаётга мурожаат қилайлик, чин маънода она юрт, она халқидан ғурурланиш туйғуси қалбининг қуёшига айланган юртдошларимиз ҳақида элга сўзлайлик.*

*Энг қизиқарли, ҳаяжонли, ўқишли очерклар, лавҳалар, ҳикоялар, эсселар газетада эълон қилиниб, йил охирида алоҳида китоб шаклида чоп этилади.*

**Танлов мукофотлари:**

**Битта биринчи мукофот — 500 000 сўм.**
**Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 000 сўмдан.**
**Учта учинчи мукофот — ҳар бири 100 000 сўмдан.**
**Рағбатлантирувчи совғалар — 10 та.**

**«Ватан ғурури» республика ижодий танловига марҳамат!**
**Омад сизга ёр бўлсин!**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти.

## «Машҳура»нинг самарқандлик қизлари

Маълумки, Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Тошкентдаги "Машҳура" фирмасининг филиали очилган эди.

Яқинда филиалнинг 20 нафардан ортиқ илк битирувчилари бичиш-тикиш бўйича махсус сертификатларга эга бўлишди.

Ҳозир пойтахтдан келган мутахассислар бу ерда дизайнер-лойиҳалаш, бичиш-тикиш, ширинликлар пишириш каби ўн беш йўналиш бўйича 100 нафардан зиёд қизларга ўз билим ва маҳоратларини ўргатишмоқда.

Асосийси, бу филиални битириб чиққан қизлар мутахассисликлари бўйича жойларда фаолият олиб бориш билан бирга чекка қишлоқдаги тенгдошларини иш билан таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## «Жиззах шифокори» – янги газета

"Жиззах шифокори" газетасининг нишона сони босмадан чиқди.

Вилоят шифокорлари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари газетасининг асл мақсади саломатлик маданиятини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат.

Газетанинг рангли суратлар, чиройли безаклар билан чоп этилган илк сонида республика соғлиқни сақлаш вазири, таниқли журналистлар, турли соҳа билимдонларининг табриклари, қизиқарли мақола ва янгиликлар ўрин олган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).***

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар экспорт имкониятини кенгайтиришда 9001 серияли ИСО халқаро стандартларига асосланган маҳсулот сифатини таъминлаш ва менежмент тизимини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси ўтган йил 22 июлда қабул қилган "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ана шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган муҳим ҳужжатлардандир.

— Мамлакатимизда ИСО 9001 халқаро стандартлари талаби асосида иш юритаётган 35 корхона ва ташкилот сони яна бештага кўпайди, — деди "Ўзстандарт" агентлигининг сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Рустам Юсупов ЎзА мухбирига. — Хусусан, "Шўртан газ-кимё" мажмуи, "Парвина қурувчи", "Тонг" ва "Наманганмаш" корхоналари, "Суғурта бизнес" суғурта компаниясида ҳам шу тизим жорий этилди.

Натижада мазкур корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша оладиган бўлди. Уларга Германиянинг "RWTUV", Франциянинг "Бюро Веритас" ва Туркия стандартлари институти каби соҳанинг энг нуфузли халқаро идоралари томонидан сертификатлар берилди.



*Нукус туманидаги "Қорақалпоғистон" масъулияти чекланган иссиқхона хўжалигида етиштирилаётган бодринглар аҳолига манзур бўлаётир. Жамоанинг аҳиллиги, тиришқоқлиги бу ерда ишнинг бир маромда бажарилишини таъминламоқда. Айниқса, Исроил технологияси асосида иш юритиш айни муддао бўлди.*

*Жамоа айни кунгача 165 тонна бодринг етиштириб, 50 миллион сўмга яқин даромад олди.*

**СУРАТДА: иссиқхона ишчиси Шинигул Утепова.**

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Орамиздаги одамлар*

## Довон ошган чўққини кўзлар

***Халқимиз «Одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр» деган мақолни бежиз айтмаган. Сабаби — ҳаётнинг ҳар қандай раҳбарни синайдиган имтиҳонлари бор. Агар у иродаси мустаҳкам, иймони бутун, ориятли, бағри кенг бўлса, эл назарига тушади. Одамларни жипслаштиради, уларни савобли ишларга бошлайди. Хоразм вилояти Шовот туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Юсуфбой Саъдуллаев — шулардан бири. Юзларидан нур ёғилиб турадиган бу инсондаги самимийлик, одамларга меҳри, амалга ошираётган ишлари бунга асос бўла олади.***

Юсуфбой ака билан бирга қишки уйқуга кетган далаларни айландик, хонадонларга кириб, ширкат аъзолари билан суҳбатлашдик. Уларнинг ўз ишларидан, раҳбарларидан ғурурланишларига гувоҳ бўлдик. Оддий қишлоқ кишисининг элнинг назарига тушиши, унга ишонч билдириши учун, албатта, қанчадан-қанча машаққатлар, изтироблар, қувончларни бошдан кечириш лозим. Эл билан бирга арра тортмасанг, у сени сийламайди. Дардига шерик бўлмасанг, мушкулини осон қила олмасанг, сени раҳбар қилиб кўтармайди.

«Бўстон»ни бўстон қилгунча озмунча меҳнат қилиндими?

«Бўстон» ширкат хўжалиги ўтган асрнинг 70-йилларида Амиркум барханлари ўрнида ташкил этилган. Ўзлаштирилган ерларга 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида шоли экилди. Оқибатда ер ориқлаб, унинг унумдорлиги пасайиб кетди. Бир вақтлар илғорлар қаторида тилга олинган хўжалик аста-секин чўкиб қолди. Уни пахта ва ғаллачиликка ихтисослаштиришгина қаддини тиклаб олишига кўмаклашиши мумкин эди. 1991 йили бу ишга киришилди. Лекин жамоада аҳвол тезда ўнгланмади. Ернинг мелиоратив аҳволи ёмонлашгани, майдонни шўр босгани, хўжалик аъзоларида меҳнатга иштиёқ сусайгани боис жамоа қолоқлик ботқоғига ботиб, режалар кетма-кет бажарилмади.

Вилоят ҳокимлиги тавсиясига мувофиқ, Юсуфбой Саъдуллаев шу хўжаликка раҳбар бўлиб келди. Халқимизда «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин» деган нақл бор. Биринчи навбатда хўжаликни қарз ботқоғидан чиқариш керак эди. Янги раҳбар атрофдагилар билан бамаслаҳат иш юритди. Биринчи галда мавжуд техника воситаларини таъмирлашга киришилди. Кейин 8 километр узунликдаги Хитойёп канали кенгайтирилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида қўшимча коллекторлар қазилиб, ерлар текисланди. Илгари бўшаб кетган яхши мутахассислар ишга таклиф этилди.

Шу тариқа раҳбарнинг тажрибаси, ишбилармонлиги туфайли хўжалик олға силжий бошлади. Биринчи йилиёқ қолоқ жамоа барча соҳалар бўйича режаларни ошириб уддалади. Ширкатчиларнинг қўли пул кўрди.

Жорий йилда эса 400 гектар майдондан 1200 тонна пахта йиғиштириб олинди. Режа 135 фоиз бажарилди. 630 тонналик буғдой хирмони уйилди. Ҳосилдорлик 42 центнерни ташкил қилди. Пахтадан 354 млн. сўм, ғалладан 57 млн. сўм даромад олинди.

Шу ўринда яна бир далил. Хўжаликнинг экин майдонлари қумлоқ ерлар эканлиги боис унинг бонитети 29 балл этиб белгиланган. Бу — ўртача 15 центнердан пахта, 21 центнердан буғдой етиштириш мумкин дегани. Аслида эса хўжалик деҳқонлари белгиланганидан икки баравар кўп ҳосил кўтардилар.

— Ҳосил тақдири деҳқон меҳрига, ўғит ва сувга боғлиқ, — дейди хўжалик раҳбари. — Эл-юртнинг насибаси мана шу далаларга сочилган. Шундай бўлгач, ишни бўшаштирган кўпчиликни ўз насибасидан бенасиб қилади. Бизда салкам 1,5 минг аҳоли яшайди. Уларнинг фаровонлиги етиштириладиган ҳосилга боғлиқ. 650 нафар одам шу мақсадда меҳнат қилмоқда.

Яхши ишлаган киши, албатта, яхши яшашга ҳақли. Қишлоқда ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. 10 километр масофага қувур тортилди. Битта қишлоқ врачлик пункти тўлиқ таъмирланди. Мактабнинг иссиқлик қувурлари янгиланди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. 2 та «Олтой», 2 та «МТЗ-100» русумли тракторлар сотиб олинди.

Хўжаликда Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, доимо моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Туман марказий шифохонасини таъмирлашга 2 млн. сўм, вилоят туғруқхонасини таъмирлашга 2 млн. 300 минг сўм, вилоят марказий касалхонаси кардиология бўлимига 8 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

— Юсуфбой ака, қаерга борса, ўша ерни яшнатади, — дейди Чўқли қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Нормат Тўйлиев.

Дарҳақиқат, эл дуосини олган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Ўзини раҳбар, деб билган одам инсонларни ардоқлаши лозим. У халқ ғам-ташвишлари, қувончларини ўз юрагидан ўтказиб, улар билан дардкаш бўлиб яшаса, халқ бундайларни доимо ардоқлайди, бошига кўтаради.

Бугун эса Юсуфбой Саъдуллаев янги йил ҳосили ташвишида елиб-югурмоқда. Ахир довон ошган чўққини кўзлайди-да!

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАЁТ ЯНГИ КАДРЛАРНИ СЎРАЙДИ

***Бугунги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари — Ўзбекистондаги таълимни илғор замонавий даражага кўтараётган янги тизимдир. Ҳозирги кунда республикамизда 828 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг бағрида 787 мингдан зиёд ёшлар таълим олмоқда. 2010 йилга бориб касб-ҳунар коллежларининг сони 1689 тага етиб, академик лицейлар билан бирга мамлакатдаги барча 9-синф ўқувчиларини тўлиқ қамраб олади. Узлуксиз таълим чинакам амалиётга айланади.***

*Долзарб мавзу*



Коллежлар илғор замонавий моддий-техник базаларга эга. Уларнинг ҳудудида замонавий ўқув устахоналари, компьютер заллари, лабораториялар, чет эл техникаси ва технологияси асосида ишлайдиган томат ва консерва цехлари, сут, сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бағрида катта тажриба ер майдонлари, хориждан келтирилган тракторлар, машиналарни ҳам учратамиз.

Замонавий таълимни ташкил этишда етук билим-малакали ўқитувчилар ҳам керак. Шу маънода, республика коллежларининг 1000 дан кўпроқ ўқитувчилари Англия, Германия, Дания, Голландия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Австралия каби давлатларда малака ошириб қайтганлиги диққатга сазовордир.

Кўпгина илғор давлатлар бу йўналишда Ўзбекистонга ўз ҳамкорлиги ва сармояларини таклиф этмоқда. Жумладан, Япония халқаро ҳамкорлик банки 58,8 миллион АҚШ доллари миқдорида, Осиё Тараққиёт банки 57,8 миллион АҚШ доллари миқдорида, Германия КФ банки 8 миллион 692 минг евро миқдорида сармоя маблағларини ажратди. Уларнинг сафига Швейцария давлати ҳам қўшилди.

Гоҳида халқаро ҳамкорликлар таълим соҳасини ислоҳ қилишда аниқ қандай натижалар беряпти, деган саволларга дуч келамиз. Жумладан, «Ўзбекистонда ижобий кўникмаларни ривожлантириш» Ўзбекистон-Швейцария қўшма лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар бу саволга аниқ жавоб бўла олади, деб ўйлаймиз.

— Ўзбекистон ёшларининг билим-малака оширишга иштиёқлари ниҳоятда баланд, — дейди биз билан суҳбатда қўшма лойиҳа раҳбари жаноб Х-Д. Хопфнер. — Мамлакатингиз Президенти ва республика ҳукумати ҳар тарафлама етук янги авлодларни тарбиялаб етиштиришга юксак эътибор кўрсатмоқда. Хорижий мутахассисларда бу ишлар алоҳида қизиқиш ва хайрихоҳлик уйғотди. Шахсан мен ўзим раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш» қўшма лойиҳаси юртингиздаги ислоҳотларга ўз улушини қўшади...

Шу ўринда бир изоҳга зарурат сезилади. Маълумки, республикамизда касбий кўникмаларни ривожлантириш масаласига бутун мустақиллик йиллари мобайнида катта эътибор бериб келиняпти. Хўш, бу борада юқоридаги қўшма лойиҳанинг ўзига хос аҳамияти, қадрқиммати нимада?

— Илғор давлатларда ўрта махсус малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш бевосита корхоналар, яъни иш берувчилар билан узвий ҳамкорликда йўлга қўйилади, — дейди жаноб Хопфнер саволимизга жавобан. — Худди шу масала Ўзбекистонда ҳам устувор вазифалардан бири тарзида белгиланган. Бизнинг қўшма лойиҳамиз мана шу тажрибани бу ерда астойдил йўлга қўйишга қаратилган. Шу мақсадда Андижон вилоятидан бир неча касб-ҳунар коллежлари танланди. Нега айнан Андижон вилояти? Гап шундаки, бу вилоятда аҳоли анча зич жойлашган, иш ўринларига эҳтиёж катта. Шу боисдан ҳудуддаги ёшларга энг замонавий мутахассисликларни эгаллаб, меҳнат бозорида ўз ўринларини топишга кўмаклашиш — бизнинг мақсадимиз. Бунинг устига, Андижон вилоятида машинасозлик, енгил саноат ривожланган. Янги техника ва технологиялар билан ишлаётган қўшма корхоналар ҳам вилоятда кўпаймоқда. Уларга эса замонавий билимли, ўрта-махсус малакали мутахассислар тобора кўпроқ керак бўлади. Шу мақсадда биз вилоятдаги 3 та касб-ҳунар коллежини танладик. Булар — Андижон шаҳридаги Кичик ва ўрта бизнес коллежи, Маиший хизмат коллежи, вилоятнинг Хонобод шаҳридаги Ахборот технологиялари коллежи. Лойиҳанинг маҳаллий ва хорижий ижрочилари вилоятда ўзига хос маркетинг тадқиқотлари ўтказиб, қандай мутахассисликларга эҳтиёж катта эканлигини ўрганди. Шу асосда юқорида номлари эсланган коллежларда, мавжуд таълим йўналишларидан келиб чиқиб, ҳар бири 25 нафар талабадан иборат 3 та махсус гуруҳ ташкил этилди. Шундай қилиб, 3 та коллежда биз очган махсус гуруҳларда 75 та талаба ўқимоқда. Бу гуруҳлар учун бир қатор янги махсус фанлар киритилди ва уларни ўқитиш услублари ишлаб чиқилди. Мазкур гуруҳлардаги ўқишнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, уларда амалий машғулотлар салмоғи йил сайин ошириб бориладиди ва бевосита соҳа корхоналарида ўтказилади. Бундай таълим ниҳоятда фойдали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Масалан, Хонобод шаҳарчасида энг замонавий технологиялар асосида фаолият юритаётган Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси Хонобод коллежидаги махсус гуруҳ ўқувчиларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Ахир бу талабалар ахборот технологияси соҳасида дунёда мавжуд энг сўнгги янгиликларни ўрганмоқдалар. Бунинг устига, улар инглиз тилини чуқур ўзлаштиришмоқда. Бундай кадрлар аросатда қолмайди. Замонавий ривожланишни мақсад қилган корхона айнан шундай кадрларни излайди...

Андижон шаҳридан танланган иккита коллежда ҳам махсус ўқув гуруҳлари бевосита атрофдаги корхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

«Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш» қўшма лойиҳасида ёшлар таълими бутун ўқув жараёнида изчил назорат қилинади ва битирувчи талабаларнинг имкон қадар тўлиқ иш билан таъминланиши кафолатланади. Бу эса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, меҳнат бозорида рақобат кучайиб бораётган бир вазиятда жуда муҳим.

Ҳаёт, тараққиёт янги кадрларни талаб қилмоқда. «Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш» қўшма лойиҳаси ана шу долзарб эҳтиёжларга хизмат қилади.

**Михли САФАРОВ**
**шарҳловчи.**

# ФАН-ТЕХНИКА *янгиликлари*

## Дорилар — маҳаллий хомашёдан

***Тошкент фармацевтика институти йирик илмий изланишлар марказига айланиб бормоқда. Дори воситаларини стандартлаштиришга қаратилган тадқиқотлар ушбу даргоҳ негизида ташкил этилган махсус илмий марказ орқали амалга оширилади.***

Германия ва Швейцария билан ҳамкорликда юзага келган бу марказда шифобахш препаратлар тайёрлашнинг илғор технологиялари ҳам яратилди. Биологик фаол моддаларни тадқиқ этиш борасида дастлабки тажрибалар орттирилди. Маҳаллий хомашёдан препаратлар яратиш мақсадида ёввойи доривор ўсимликларни ўрганиш йўлга қўйилди. Бу каби изланишлар натижасида камқонлик, сариқ, сил касалликларига малҳам бўладиган дори-дармонларни синтез қилишга киришилди.

## МДУда малака оширишди

***Яқинда республикамиз олий ўқув юртларининг йигирма нафар вакили "Истеъдод" жамғармаси ёрдамида М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида малака ошириб қайтишди.***

Самарқанд иқтисод ва сервис институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент аграр университети ва Андижон давлат университети ўқитувчиларидан иборат вакилларимиз икки ҳафта давомида замонавий фан ва техниканинг долзарб муаммолари бўйича давра суҳбати, анжуман, илмий конференцияларда ҳам иштирок этдилар.

Машғулотларни Москва давлат университети иқтисод факультетининг етакчи профессор ва доцентлари олиб боришди. Айниқса, «XXI аср менежменти", "Иқтисодий глобаллашув: анъана ва қарама-қаршиликлар", «МДҲда интеграллашув жараёни" мавзусидаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Энг муҳими, бундай тажриба алмашувлар республикамиз ва хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда катта ҳисса бўлди. Малака ошириш якунида икки мамлакатнинг бир неча олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик шартномалари тузилди.

## Бошқарув ҳам санъат

***Тошкентда "Давлат ташкилотлари ва тижорат тизимларида ходимларни бошқариш" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали ташкил этди.***

Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатлардан келган 200 дан ортиқ вакил корхоналарда кадрлар сиёсатига оид долзарб масалаларни муҳокама қилишди. Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда самарали фаолиятни ташкил этиш юзасидан маърузалар ўқилди.

Анжуман давомида кадрлар хизматини компьютерлаштириш, янги технологиялардан фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинди.

## Магистратуранинг халқаро йўналиши

***Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида магистратура таълимининг янги йўналиши йўлга қўйилди. Халқаро ТЕМПУС лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган бу йўналиш "Соғлиқни сақлаш ва жамоат тиббий хизмати" деб номланади.***

Бундай муҳим тиббий таълим республикамизда биринчилардан бўлиб Тошкент педиатрия тиббиёт институтида жорий этилди. Магистратура ўқуви жараёни энг малакали профессор ўқитувчилар зиммасига юклатилди.

Халқаро таълим стандартлари бўйича бу педагогларни хорижий мамлакатлар тажрибалари билан таништириш тадбирлари кўрилди. Шу мақсадда олий ўқув юрти Германия ва Испаниядаги илмий-педагогик марказлар билан алоқа боғлади. Германиядаги Оснобрюк олий мактаби ҳамда Испаниянинг Барселона университетида магистратура таълими бўйича ташкил этилган ўқув курслари институт ўқитувчиларининг билим ва малакаларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

## Гиёҳвандликка қарши қўлланма

***Республикамиздаги Халқаро Ибн Сино жамғармаси ва ЮСАИД халқаро ривожлантириш агентлиги мактабларда гиёҳвандликнинг олдини олиш мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Унда таълим тизими учун мўлжалланган услубий қўлланма яратиш масаласи муҳокама қилинди.***

— Ушбу тадбир ўз самарасини бериши шубҳасиз, — дейди жамғарма раиси Шуҳрат Эргашев. — Биз ҳозирда мактаб ўқитувчилари учун соғлом турмуш тарзи мавзуида услубий қўлланма яратишга киришдик. Ўйланманки, у гиёҳвандликка қарши курашда ҳар биримизни фаолликка ундайди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Рустам ЁРЛАҚАБОВ тайёрлади.**

Банк тизими

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА ВА ҲИСОБ-КИТОБ

***Ўзбекистон Банклар ассоциацияси қошидаги Ягона умумреспублика процессинг марказининг эмиссион-процессинг маркази бошлиғи В.Ю.Тюрин билан суҳбат***

**— Виталий Юрьевич, ҳозир кўпгина банклар томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар афзаллиги реклама қилиняпти. Аввало, пластик карточкалар ва улар асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг қулайликлари ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Пластик карточкалар банк томонидан чиқарилган тўлов воситаси бўлиб, ўз эгасининг тегишли банкдаги ҳисоб рақамида маблағ борлиги ҳақида маълумот беради ва нақд пулсиз товарлар (иш ва хизматлар)ни сотиб олиш имкониятини беради. Пластик карточкалар жисмоний ва юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан, маҳсулотни сотувчи, ишни бажарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томондан туриб, ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда қўлланилади.

Пластик карточкаларнинг афзалликларига келсак, биринчидан — **фойдаланишда қулайлиги** — пластик карточкада чекланмаган миқдорда электрон пул сақлаш мумкин ва йирик харидларни амалга ошириш чоғида катта миқдорда пул маблағларини олиб юриш зарурати йўқолади; иккинчидан — **даромадлилиги** — пластик карточкада сақланаётган пул қолдиғига банк томонидан ҳар ойда фоиз тўлаб борилади; учинчидан — **хавфсизлиги** — пулни йўқотиб қўйиш ёки ўғирлаш хавфи билан боғлиқ хатарларни пасайтиради.

Бундан ташқари, пластик карточка эгалари банк ва савдо-сервис корхоналари томонидан белгиланган турли имтиёз ва чегирмалардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича савдо терминалларини ўрнатган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун қўшимча солиқ имтиёзлари ҳам кўзда тутилган. Хусусан, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширган товар айланмаси ҳажмидан ялпи даромад солиғини амалдагига нисбатан 20 фоиз пасайтирилган ставка бўйича тўлайдилар. Шу билан бирга, хизматларнинг янги шаклини жорий қилиш ҳисобига доимий мижозлар сонини кўпайтириш, уларга турли имтиёз ва чегирмалар таклиф қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

**— Пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар қаерларда ўрнатилади? Савдо ва сервис корхоналари ушбу терминалларни қаердан олишлари мумкин?**

— Пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар биринчи навбатда уй-жой-коммунал хизматлари учун тўловлар қабул қилиш шохобчаларида, телефон, шу жумладан, уяли алоқа телефонлари хизматлари учун, алоқа бўлимлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари, авиа ва темир йўллар патталарини сотиш кассалари, ресторан ва меҳмонхоналарда ҳамда банк филиаллари, мини банклар ва жамғарма кассаларида ўрнатилади.

Савдо терминалларини ўрнатиш истагини билдирган савдо-сервис корхоналари уларни ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиши ёки лизинг асосида, яъни терминал қийматининг 30 фоизи миқдорида дастлабки аванс тўловини амалга ошириш йўли билан 1 йил муддатга олишлари мумкин. Бунда йиллик фоиз ставкаси Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасининг ярмидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.




**— Карточкаларнинг қандай турлари мавжуд?**

— Пластик карточка тегишлича шахсий ва корпоратив бўлиши мумкин. Биринчиси жисмоний шахсларга, иккинчиси эса юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат кўрсатиш кўзда тутилган пластик карточка бўлиб, хўжалик ва идора молларини харид қилишда ҳамда хизмат сафарлари харажатларини қоплашда ишлатилади. Шу билан бирга, корпоратив пластик карточкаларидан иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тусдаги тўловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш ман этилади.

**— Пластик карточкани қаердан олиш мумкин? Унинг нархи қанча туради?**

— Пластик карточкани олиш учун ўзингиз истаган банк бўлимига мурожаат қилишингиз лозим. Банкда сиздан ариза ёзиб, шартномани тўлдиришингизни сўрашади ва карточкангизни тайёрлаб, унга барча зарур маълумотлар киритилади, яъни фамилия, исм-шарифингиз ва амал қилиш муддати ёзилади. Бу жараён, бор-йўғи, 10-15 дақиқада амалга оширилади.

Пластик карточкаларни харид қилиш, муомалага чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатларни тижорат банки ўз зиммасига олади, яъни **пластик карточкалар бепул берилади**.

**— Пластик карточкада ёки карточка ҳисоб рақамида минимал пул қолдиғи қанча бўлиши керак? Уни қандай тўлдириш мумкин?**

— Республикамизнинг деярли барча тижорат банклари томонидан пластик карточкадаги минимал пул қолдиғи миқдори 100 сўм деб белгиланган.

Пластик карточка ҳисоб рақамини банк кассасига пул топшириш, шунингдек, банк ёки почта орқали пул ўтказиш йўли билан тўлдириш мумкин.

**— Иш ҳақининг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини пластик карточкаларга ўтказиш мумкинми?**

— Иш ҳақини тўлиқ ёки унинг бир қисмини пластик карточкага ўтказиш учун сиз ишлаётган корхона ёки ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк билан тегишли шартномани имзолашингиз лозим. Ушбу шартномада ойлигингизнинг пластик карточкага ўтказилиши керак бўлган қисми кўрсатилиши шарт.

**— Пластик карточкадаги пул қолдиғига қандай фоизлар тўланади?**

— Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш банклараро тўлов тизимининг аъзолари бўлган барча банклар томонидан карточка эгаларига пластик карточкадаги пул қолдиқларига ҳар ойда фоиз тўлаб борилади. Ушбу фоиз ставкаси ҳар бир банк томонидан алоҳида белгиланади ва ўртача йиллик фоиз Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

**— Пластик карточка орқали бошқа банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш мумкинми?**

— Пластик карточка орқали бошқа банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ариза билан мурожаат қилиш лозим. Шундан сўнг ушбу аризага кўра, мижознинг барча топшириқлари бажарилади.

**— Карточкадан қандай фойдаланилади?**

— Товар ва хизматлар учун тўловлар пластик карточка орқали амалга оширилганида сотувчи ёки официант томонидан карточка савдо терминалига киритилади ва карточкадан олинаётган маблағни тасдиқлаш ва шахсий PIN-кодни териш учун карточка эгасига терминалнинг иккинчи, яъни кўчма клавиатураси берилади. PIN-код тўғри терилгандан сўнг тўлов амалга оширилади ва карточка эгасига қайтарилиб, чек берилади.

Банкоматдан нақд пулларни олиш учун унда керакли менюни танлаш ва зарур суммага буюртма бериш лозим. Сўнгра шахсий PIN-код терилиб, банкомат кўрсатилган пулни ва чекни беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, банкомат ва терминаллар диалог режимида ишлайди, яъни пластик карточка киритилгандан сўнг мижоз томонидан банкомат ёки терминал экранида кўрсатилган операциялар ичидан кераклиси танланиши ва у амалга оширилиши учун шахсий PIN-код тўғри терилиши лозим.

**PIN (personal identification number)**-код инглиз тилида "шахсий аниқловчи код" деган маънони англатади. PIN-код пластик карточкани ўғирлаб ишлатиш ёки фирибгарликдан ҳимояланиш учун қўлланилади. Товар ёки хизматлар учун ҳақ тўлашда, карточкага пул ўтказишда ёки пул олишда ушбу код талаб қилинади ва тўғри терилганда исталган амалиёт бажарилади.

Бир сўз билан айтганда, шахсий **PIN-код** — бу пулингиз сақланадиган карточканинг калити, шу сабабли банкдан карточка олинаётганда ёки терминал ва банкоматда PIN-кодини белгилашда фақат ўзингизга маълум бўлган ва ёддан чиқмайдиган рақамлардан иборат бўлган кодни танлаш зарур.

**— Карточка қандай сақланади?**

— Карточкангизни бировга берманг. Шахсий PIN-кодни ҳеч кимга айтманг. PIN-кодни дуч келган нарсага ёзманг ёки бошқалар ўқиши мумкин бўлган жойларда қолдирманг. Карточкани хавфсиз жойда сақланг, уни синишдан, қаттиқ зарбадан, намликдан ва юқори ҳароратдан асранг.

Агарда карточкангизни йўқотиб қўйсангиз, дарҳол карточка берган банкка хабар беринг. Шундан сўнг карточкангиз бўйича барча амалиётлар тўхтатилади.

**— Карточка орқали нақд пулни қаердан олиш мумкин?**

— Карточка орқали нақд пулни банкоматлардан, карточкангизга хизмат кўрсатадиган банк муассасаларидан олиш мумкин. Одатда нақд пул берадиган шохобчаларда карточканинг рамзи мавжуд бўлади.

Банкдан пул олиш чоғида ёнингизда паспорт бўлиши керак. Банк кассири терминалда сўралган пул миқдорини териб, терминалнинг клавиатурасини узатади. Сиз ўзингизнинг PIN-кодингизни терасиз ва "Киритиш" ("Ввод") тугмасини босиб, уни тасдиқлайсиз. Кассир сизга нақд пул, касса чеки ва карточкангизни топширади.

Банкоматдан пул олинганида рақамли клавиатурада PIN-коди терилганидан сўнг қуйидаги бир қатор операцияларни бажариш таклиф этилади: карточкага пул ўтказиш, нақд пул олиш, ҳисоб рақамингизда қолган маблағ ҳақида маълумотнома олиш. "Нақд пул олиш" амалини танлаб, ўзингизга зарур бўлган пул миқдорини терасиз ва "Киритиш" ("Ввод") тугмаси орқали уни тасдиқлайсиз.

**— Дўконда карта орқали қандай ҳисоб-китоб қилиш мумкин?**

— Олдиндан харид қилиш учун карточкангизда керакли маблағ борлигига ишонч ҳосил қилинг. Агарда пул кам бўлса, карточкага пул ўтказинг. Харидга пул тўлаш учун карточкани кассирга узатинг. У карточкани тўлов терминалига киритиб, тўлашингиз лозим бўлган суммани теради. Кассир терган сумманинг тўғрилигини текширинг (терминал дисплейида харид суммаси кўринади). PIN-кодни теринг, сўнг "Киритиш" ("Ввод") тугмасини босиб, уни тасдиқланг. Тўлов амалга ошгач кассир сизга карточкангизни ва чекни қайтаради.

**— Пластик карточка орқали тўлов амалга оширилганда карточкадан пул тўғри олинганлигини қандай текшириш мумкин?**

— Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг банклараро тўлов тизими микропроцессорли пластик карточкаларга асосланган бўлиб, бугунги кунда қалбакилаштириш ва фирибгарликдан юқори даражада ҳимояланган ҳисобланади. Тизимни ҳимоялаш воситаларидан бири PIN-код бўлиб, у карточка эгаси томонидан киритилади ва ушбу шахсий паролни ҳатто карточка берган банкнинг мутасадди ходими ҳам билмайди. Шундай қилиб, пластик карточка орқали тўлов амалга оширилаётганда ёки нақд пул олинаётганда банкомат ёки терминал доимо карточка эгасига 2 та савол беради.

Биринчи — **тўланаётган ёки нақд ҳолда олинаётган маблағнинг тўғрилигини тасдиқланг?** Бу ҳолда карточка эгаси терминал ёки банкомат дисплейида карточкадан олинаётган маблағ миқдорини кўради ва тўғри бўлса, уни тасдиқлайди. Иккинчиси — **пластик карточкага тегишли PIN-кодни теринг?** Пароль тўғри терилса, карточкадан тасдиқланган маблағ олинади ва карточка эгасига ушбу операцияни тасдиқловчи чек берилади.

**— Банклар томонидан ўрнатилган терминалларнинг фарқи борми? "Бегона" мижоз амалга оширган транзакциялар бўйича банк комиссияси тўлови юқори бўлмайдими? Бир банкнинг мижози пластик карточка орқали бошқа банкнинг терминали ўрнатилган савдо шохобчасидан товар сотиб олиш ёки хизмат учун ҳақни қандай тўлашини ҳам тушунтириб берсангиз.**

— Пластик карточкалар воситасида барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали амалга ошириладиган банк операциялари бир тизимга бирлаштирилган бўлиб, ушбу шохобчаларга қайси банк муассасасида хизмат кўрсатилишининг фарқи йўқ. Бунинг учун Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилган бўлиб, у 20 дан ортиқ тижорат банкларининг тўлов тизимларини ўзида бирлаштиради.

Ягона умумреспублика процессинг маркази доирасида тижорат банкларининг сўм пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича мижозларга хизмат кўрсатишнинг белгиланган ягона тарифлари ишлаб чиқилган. Ушбу қоидага кўра, **пластик карточка орқали товар сотиб олиш ёки хизматга ҳақ тўлаш учун,** қайси банкнинг терминалидан фойдаланишдан қатъи назар, карточка эгасидан **комиссия тўлови олинмайди**.

**Ботир АҲМЕДОВ суҳбатлашди.**

Хабарлар оқимидан

## Ўқув жиҳозлари тендери

Республика Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг "2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорини таъминлаш мақсадида тендер эълон қилган эди.

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан очилган тендер-кўргазма юқоридаги қарор ижросини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди. Кўргазмада мамлакатимиздаги 140 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналарининг ўқув мебеллари, лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари ўрин олган.

Кўргазмага қўйилган маҳсулотлар нуфузли комиссия томонидан пухта ўрганиб чиқилгач, ғолиблар аниқланади.

**М. ТОЖИЕВА.**

## «РИВОЖ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

***Шаҳрихондаги "Ривож" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси ходимларининг сони 400 тага кўпайди.***

Илк фаолиятини хорижда тайёрланган маҳсулотларни савдо қилишдан бошлаган мазкур фирма негизида 1997 йилда универсал электродлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, низом жамғармаси 1 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган ўзбек-хитой "Ривож-Тяньжин" қўшма корхонаси ташкил этилганди. Ушбу қўшма корхона ҳозирда барқарор ишламоқда ва 2005 йилда 2800 тонна электрод ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, хусусий фирма ип ўраш учун тўқимачилик конусларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ривож-Тяньбао" ўзбек-хитой қўшма корхонасини ҳам тузди. У йилига 50 минг дона тўқимачилик конусларини ишлаб чиқаради. Низом жамғармаси 329 минг АҚШ долларидан иборат. "Ривож" хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган ўн хил турдаги минерал сувлар ҳам харидорларга маъқул тушмоқда.

Сўнгги икки йил мобайнида фирма томонидан кам таъминланган аҳоли қатламлари ва жамоатчилик ташкилотларига 40 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**К. НИЗОМОВ, "Туркистон-пресс".**

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН
QBS Mix Market
ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ
15 ХИЛДАН ОРТИҚ КАБИНЕТ МЕБЕЛЛАРИ
2,5м.дан 7м.гача БЎЛГАН КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ТУРЛИ ХИЛ ШКАФЛАР ТЎПЛАМИ
КОНФЕРЕНЦ- КРЕСЛОЛАР
ТЕАТР КРЕСЛОЛАРИ
ОФИС ТЎСИҚЛАРИ
ЧАРМ КРЕСЛОЛАР
ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ
Шкаф - FC 1705 - 972 300 сўм.
Кабинет тўплами - FD 07 - 1 454 250 сўм.
Чарм кресло - 275 000 сўм.
2005 йил тўпламидан янги намуналар!
Бизнинг манзил: А.Темур-Эргашев кўчаси, 2-уй (мўлжал - «Қозоғистон» кинотеатри, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси қаршисида).
Тел. 135-74-47, тел./факс 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com, www.mixmarket.uz

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11.
Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.
Товар сертификатланган

ҲАРАКАТ плюс
Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru
КАФОЛАТ 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МТС GSM

GSM UZDUNROBITA first cellular

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЕНГ GSM ТАРМОҒИ




- "Уздунробита GSM" тармоғининг 2004 йилда кенгайиши

## *Доимий тараққиётга қўшилинг!*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(нархлар АҚШ $ кўрсатилган ва ҳамма солиқларни ўз ичига олган).

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови | Эфир вақти (1 дақиқа учун) | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Кирувчи алоқа | | Чиқувчи алоқа | |
| | | Уздунробита уяли телефонларидан | Бошқа телефонлардан | Уздунробита уяли телефонларига | Бошқа телефонларга |
| Эксклюзив | 2,0 | Бепул | 0,08 | 0,10 | 0,10 |
| Robita GSM | 5,0 | Бепул | 0,08 | 0,05 | 0,10 |
| Престиж | 85,0 | Бепул | | | |

SMS-MMS-WAP-GPRS нархлари

| Хизмат кўрсатиш режалари | SMS (1 хабар учун) | | | | MMS (1 хабар учун) | | WAP | | Интернет GPRS орқали (1 мб учун)*** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Чиқувчи | | Кирувчи | | | | | | |
| | Уздунробита GSM тармоғида | Халқаро алоқа ва бошқа операторларга* | Пейджинг оператор-ларидан | Бошқа кирувчи | Чиқувчи | Кирувчи | GSM-канал (1 дақиқа) | GPRS (10 кб учун)** | |
| Эксклюзив | 0,03 | 0,06 | 0,05 | Бепул | 0,30 | Бепул | 0,10 | 0,008 | 0,32 |
| Robita GSM | | | | | | | | | |
| Престиж | Бепул | | | | | | | | |

* Turkcell (Туркия), Telefonica (Испания) ва Wind (Италия) абонентларига 1 SMS хабар юбориш - $0.12
** Маълумотлар 10 кб бўлиниб нархланади. GPRS хизматидан фойдаланиш учун абонент тўлови - $0.10 кунига.
*** Мобил телефонни модем сифатида ишлатиш (32 кб бўлиниб нархланади).

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензиялаштирилган

МТС GSM

D-AMPS UZDUNROBITA first cellular

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЕНГ D-AMPS ТАРМОҒИ




## *Биринчи бўлиш анъанаси!*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(нархлар АҚШ $ кўрсатилган ва ҳамма солиқларни ўз ичига олган).

| Хизмат кўрсатиш режалари | Энг кам ойлик тўлов* | Кириш қўнғироқлари 1 дақиқаси нархи | | | Чиқиш қўнғироқлари 1 дақиқаси нархи | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | «Уздунробита» уяли телефон-ларидан*** | Тиғиз пайт** | Тиғизмас пайт | Тиғиз пайт | Тиғизмас пайт | Бир абонентга тегишли бўлган "Уздунробита" AMPS/DAMPS, тармоғидаги бошқа уяли телефонларга |
| Минимальный | 9,0 | Бепул | 0,08 | 0,05 | 0,12 | 0,08 | Чиқувчи қўнғироқ нархининг 50% |
| Экономный | 20,0 | Бепул | 0,08 | 0,05 | 0,11 | 0,07 | |
| Бизнес | 35,0 | Бепул | 0,08 | 0,05 | 0,10 | 0,06 | |
| | Абонент тўлови | | | | | | |
| "Zero" | 1,3 | Бепул | 0,10 | 0,07 | 0,17 | 0,12 | |
| Деловой | 30,0 | Бепул | | | 0,10 | 0,10 | |
| "Престиж" | 65,0 | Бепул | | | | | |
| | | Махсус хизмат кўрсатиш режалари | | | | | |
| 555 | 5,0 | Бепул | 0,05 | | 0,05 | | 0,05 |
| Local Unlimited | 40,0 | Бепул (Ўзбекистон ҳудудида шаҳарлараро чиқувчи қўнғироқлар — $0.10 бир дақиқасига.) | | | | | |

Ҳамма режалар учун ("Zero" ва "Престиж" режаларидан ташқари) шанба ва якшанба кунлари эфир вақти бепул бўлган ойлик "Плюс" хизмати тақдим этилади. Хизмат нархи - $16 ойига.

Эслатма:
* Энг кам тўлов миқдорига минимал тўлов миқдорига тенг бўлган миқдорли эфир вақти берилади.
** Тиғиз пайт: 07:00 дан 23:00 гача; тиғизмас пайт: 23:00 дан 07:00 гача.
*** "Уздунробита" AMPS/D-AMPS тармоғига тегишли бўлган рақам аниқланган ҳолда.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензиялаштирилган

МТС GSM

D-AMPS GSM UZDUNROBITA first cellular




МОБИЛ АЛОҚАНИНГ МОБИЛ ТЎЛОВИ!

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензиялаштирилган

МТС GSM

GSM UZDUNROBITA первая сотовая




Энг замонавий хизматларга уланинг!

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензиялаштирилган

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тактик бўғини — умумқўшин қисмларига малакали офицер кадрлар тайёрлаб беришда етакчи ҳарбий ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. У миллий армиямиз учун юқори малакали офицер кадрлар тайёрлашда бой анъана ва тажрибага эга.**

# МАЛАКАЛИ ОФИЦЕРЛАР МАСКАНИ

Мустақиллик ғояларига, халқимиз ва Қуролли Кучларимизга содиқ, ташкилий ва бошқарув қобилияти ҳамда интеллектуал салоҳиятга эга етук офицер кадрларни тайёрлаш мазкур жамоанинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида олий ҳарбий таълим даргоҳида қарийб 3 минг нафар малакали офицер тайёрланди. Бу ерда мотоўқчи бўлинмалари командирлари, қўшин разведкаси бўлинма командирлари ва взвод командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, чегара қўшинлари учун малакали офицерлар тайёрланмоқда.

Билим юртида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг асарларини, айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласини батафсил ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, миллий Қуролли Кучларимизни барпо этиш, армияни ислоҳ қилиш, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган семинар машғулотлари ўтказилаётир.

Таниқли олимлар, фахрийлар ва Қуролли Кучлар қўмондонлиги вакиллари иштирокида ўтказилаётган "Ўзбекистон ва унинг Қуролли Кучлари: кеча, бугун ва эртага" мавзуидаги анжуманлар, санъат ва маданият арбоблари, эстрада, театр ва кино усталари, ижодий жамоаларнинг бўлажак офицерлар ҳузуридаги чиқишлари барчада яхши таассурот қолдираяпти.

Билим юрти бошлиғининг ўринбосари А.Қодировнинг айтишича, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик, армия сафига чақирилувчи ёшлар вакиллари иштирокида уюштирилаётган "Очиқ эшиклар кунлари" ҳам самарали ўтмоқда.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Қишлоқда болалар спорт мажмуи

*Янги йилни Қўрғонтепа туманидаги Деҳқончек қишлоғи болалари қўшалоқ байрам сифатида нишонлашди. Бу ерда спортнинг футбол, енгил атлетика, гандбол, теннис, кураш каби турлари билан шуғулланиш учун барча шароитларга эга бўлган болалар спорт мажмуи фаолият кўрсата бошлади.*

*Янги спорт маскани қурилишига вилоят ҳокимлиги 22 миллион сўм, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими 18 миллион сўм, ҳомийлар 10 миллион сўм маблағ ажратди.*

**СУРАТДА:** ёш теннисчилар (чапдан) Мафтуна Худойбердиева ва Шоҳсанам Йўлдошева машғулот жараёнида.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН — ОСИЁДА ТЎРТИНЧИ



*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ).*

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси — IFFHS дунёдаги энг кучли миллий чемпионатларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Рейтинг мамлакатларнинг энг кучли бешта жамоаси томонидан ўн икки ой давомида миллий чемпионат ва халқаро учрашувларда тўпланган очколар асосида тузилди.

Халқаро федерация мутахассисларининг ҳисоб-китоби бўйича Испания "примеро"си 2004 йилнинг энг кучли чемпионати деб эътироф этилган. Шунингдек, кучли учликдан Англия чемпионатининг премьер-лигаси ва Италиянинг "А" серияси жой олди.

2004 йилда ҳам "Пахтакор"нинг чемпионлиги билан тугаган Ўзбекистон чемпионати жаҳон рейтингида 57-ўринни эгаллади. Осиё мамлакатлари орасида миллий чемпионатимиз Жанубий Корея, Япония ва Саудия Арабистони биринчиликларидан сўнг тўртинчи поғонада қайд этилган.

# Ҳушёрлик — кунлик эмас

Мирзачўл тумани халқ таълими бўлимидаги катта альбомда жамоа томонидан мактабларда, аҳоли ўртасида уюштирилаётган огоҳликка, ҳушёрликка даъват этувчи тадбирлар, воқеалар, кўча оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, ички ишлару прокуратура ходимлари билан бўлаётган учрашувлар, давра суҳбатлари акс этган.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг умумий йиғилиши «Ўз уйингни ўзинг асра!», деб номланибди. Йиғилиш қарорида тумандаги ўқитувчилар ҳамкорлигида оилаларда суҳбатлар ташкил этиш, мактаб-боғчаларда доимий навбатчиликни йўлга қўйиш сингари тадбирлар ўрин олган.

Яссавий номли мактабда тарбиявий дарсларга маҳалла посбонларини жалб этиш йўлга қўйилибди. Бир қатор мактабларда ҳар ойда ҳушёрлик дарслари ўтилаяпти. Юқори синф ўқувчилари томонидан «Огоҳликни қандай тушунасиз?», «Ҳушёрлик — кунлик эмас», «Терроризм ва унинг оқибатлари» каби эркин мавзуларда ёзилган иншолар ҳар бир кишини беихтиёр ҳушёр бўлишга, халқимиз, Ватанимиз тинчлигини сақлашга ўз ҳиссасини қўшишга даъват этади.

Туман ҳокимлиги томонидан «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида ўтказилган кўргазмали семинарда ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Дарвоқе, ХТБдаги ўша семинарда қизиқ, айни пайтда барчанинг эътиборини тортган воқеа эсга олинди: 18-мактабда навбатчилик қилаётган ўқитувчи туман халқ таълими бўлими мудири Қосим ака Атабоевни ичкарига киритмабди. Ҳужжат талаб этибди. Навбатчига сўзини «ўтказолмаган» мудир мактаб директори Бўтакўз Алихонова келгунча ташқарида турибди.

Афсуски, ҳамма жойда, барча жамоаларда ҳам бу масалага жиддий муносабатда бўлинади деб бўлмайди. Жойларда лоқайдлик, тарғибот-ташвиқот ишларига юзаки ёндашиш ҳоллари йўқ эмас. Масалан, туман марказидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бўлганимизда, навбатчи ходим Рахия Иселбаевани тополмадик. Билим даргоҳи ётоқхонасида ҳам шу аҳвол. Жадвалда С. Қуролбоева, Қ. Медетбаевларнинг навбатчилиги кўрсатилган. Аммо жамоанинг ходимлар бўлими хизматчиси Г. Жонқобилова ҳамроҳлигида ётоқхонани бемалол айланиб чиққунимизча уларни учратмадик.

Эътиборсизликни қарангки, билим юртининг асосий ўқув биносига кираверишдаги навбатчилик столида атайлаб сумкача қолдириб кетдик. Бир соатлардан кейин келсак, «бегона буюм» қўйган жойимизда турарди. Навбатчилардан эса ҳамон дарак йўқ.

— Бизда бировнинг нарсаси билан ҳеч кимнинг иши йўқ, — деди сумкани қайтариб олаётганимизда зиналарни тозалаётган фаррош аёл ўзича ғурурланиб. — Қўйган жойингизда тураверади.

Аслида ҳам шундай бўлгани яхши. Агар ўша бегона нарсанинг ҳеч кимга, ҳеч нарсага зарарсиз эканлигига шубҳа туғилмаса.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Суд очерки*

***Ишга кетган Илҳом уйга қайтавермади. Ўғлининг ҳаяллаш одати йўқлигидан хавотирга тушган ота унинг ишхонасига борди. Ўғлини сўраб-суриштирди:***

***— Илҳомдан дарак йўқ. Тинчликмикин, деб келдим, — деди ҳаяжонини яширолмай.***

***Негадир, унинг саволи жавобсиз қолди. Ҳеч ким тайинли гап айтолмади. Отанинг юрагига ғулғула тушди...***



# Дарё қаъридаги фиғон

Илҳом Исломов Қибрай сув иншоотлари ҳудудида сув иншоотларини қўриқловчи алоҳида милиция батальонида взвод командири бўлиб ишларди. 2002 йилнинг 25 декабрида эрталаб уни уйидагилар ишга кузатиб қўяди. Йигит навбатчиликни қабул қилиб олади. Сўнг хизмат вазифасини бажаришга киришади.

Тун ярмидан оққанди. Илҳом ҳамкасбига тегишли велосипедни миниб, постларни айланишга кетади. Бироқ, ҳадеганда қайтавермайди. Орадан дақиқалар, соатлар ўтади. Ундан дарак бўлмайди. Бу вақтда тонг отади. Командирни қидиришга тушадилар. Сўраб-суриштирилгач, маълум бўладики, Илҳом навбатдаги постгача етиб бормаган.

Унда у қаёққа ғойиб бўлган?

Сўнгги йилларда Қибрай сув иншооти ҳудудида катта-кичик ўғриликлар содир этилаётгани раҳбариятни ташвишга солиб қўйди. Шу боис у ерда посбонлик қилаётган ички ишлар ходимларининг масъулияти оширилди. Қўриқлаш хизмати кучайтирилди. Ўғрилик асосан кечаси бўлаётгани сабабли тунги назоратга эътибор қаратилди. Натижада қонунбузарлик бирмунча камайди. Уни мутлоқ бартараф этиш лозим эди.

Руслан Соипов сув иншоотларида машинист-кузатувчи бўлиб ишларди. Бўйдоқ йигит пулга унча эҳтиёжманд эмасди. Бир ўзига маоши етарди. Лекин, ёш бўлса-да, нафси ҳакалак отган экан.

«Харидоргир ускуналарни пулласам, биров билиб ўтирибдими?!» Шундай қилиб, Руслан миясига келган нопокликка қўл урадди. Иш жойига хиёнат қилади. Тун пардасини ёйганда сув иншоотлари ҳудудига кириб, ғайриқонуний равишда уч дона сув насоси контактини ўмаради.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Ҳаром-хариш йўллар билан пул топишнинг мазасини тотган Руслан ҳам шундоқ қилди. Ўғриликни касб қилиб олишни пеш билди. Ўзининг қинғир ишини кўплашиб амалга ошириш мақсадида акасига маслаҳат солди.

— Анчадан бери ишсиз юрибсиз. Пулдан қийналганингизни биламан. Шу сабаб икковимиз боп режа тузиб қўйдим.

Муқаддам бир неча бор судланган Бахтиёр укасининг ишорасини дарҳол англайди. Шундоқ бўлса-да, жигарининг «меҳрибон»лигини билгиси келади. Унга, қулоқ тутгач, «доно» фикрларга сўзсиз қўшилади. Туғишганлар шу тарзда жиноий тил бириктиради.

...2002 йил 25 декабрь оқшоми эди. Қибрай сув иншоотининг шундоққина ёнидаги дала ҳовлида писиб ётган икки кимса вақт алламаҳал бўлганда ғимирлаб қолади. Ҳаммаёқни обдон текширган шарпалар сув иншооти ҳудудига кирадилар. Сўнг қудуқларга ўрнатилган насосларнинг контактларини еча бошлайдилар. Бу шарпалар — ака-ука ўғрилар — Руслан, Бахтиёр Соиповлар эди.

— Бугунга етар. Қани, секин кетдик.

Нафсини тия олмаган ака-укалар шундан кейин уч дона контактни олиб, жуфтакни ростлайдилар. Яна саноқли дақиқалардан кейин икки ўғри ўмарган буюмини «ҳалоллаб» кетиши мумкин эди. Лекин буюрмаган экан. Кутилмаганда ўғриларга велосипед минган милиция ходими дуч келиб қолади. Бундай ҳолни кутмаган Соиповларни совуқ тер босади. Қўл-оёқлари бўшашиб, дами ичига тушади.

— Қани, юринглар. Бўлинмага борамиз. Ўша ерда ҳаммасини тушунтириб берасизлар.

Илҳом Исломовнинг ушбу талабидан бир муддат бўйин товлашади. Сўнг айбини ҳис этиб, ялинишга тушадилар. Лекин фойдасиз. Постларни айланишга чиққан взвод командири қаттиқ туриб олади. Шундоқ бўлса-да, ака-ука ўғриларнинг осонликча жон бергиси келмайди. Ўғирланган контактлар кўзларига иссиқ кўринганидан бағирларига босиб тураверишади. Анча тортишувдан сўнг ўғрилар ҳаракатлари зое эканлигини тушунишади.

Ўша маҳал ҳаммаёқ тинч эди. Одамларнинг оёғи тинган. Икки айбдору бир посбондан бўлак ҳеч қандай жонзот йўқ. Илҳом Исломов касбига содиқ бўлмаганида ўғрилар билан келишиши, жиноятдан кўз юмиши мумкин эди. Лекин у ўзини нопоклик, ҳаром-харишдан баланд тутади.

Ака-укалар қарашса, иш чаппасига кетадиган. Қайсар милиционер айтганини қиладиган. Ўғирланган буюм билан бўлинмага бориб, ҳужжатлаштирилса, жиноий жавобгарликка тортилиши тайин. Бундан қутилишнинг йўли...

Жиноят қилавериб, туллакка айланган Бахтиёр милиция ходимини гапга солиб, чалғитишга тушади. Одамийлик, яхшилик ҳақида лоф-қоф уради. Яна алламбалоларни тўқиб, милиционернинг ҳушёрлигини сусайтиради. Айни шундай пайтни пойлаган Руслан қўлига тош олади. Тескари турган Илҳом Исломовга ташланиб, унинг бош қисмига кучли зарб билан уради. Ғафлатда қолган милиционер ўзини йўқотиб қўяди. Бир неча зарбадан кейин эса йиқилиб тушади. Оғир тан жароҳати олган Илҳомни ака-укалар аёвсиз уриб, тепадилар. Сўнгра унинг хизмат тўппончасини қўлга киритишади. Ёвузлик ботқоғига қорилган ака-укалар қарашса, бечора милиционер чалажон бўлиб ётибди. Ҳам жиноят изи ёпилсин, ҳам қийналиб ўлсин деб бошидан оғир тан жароҳати олган, қовурғалари синган Илҳомни Чирчиқ дарёсига ташлаб юборадилар. Унинг улови — велосипед ҳам ўша ёққа улоқтирилади. Одамийлик қиёфасини йўқотган Бахтиёр разилларча йўл тутади. Ёрдамга, инсонийликка муҳтож, чалажон Илҳом Исломовнинг юзини атайлаб сувга ўгириб қўяди...

Чорасиз қолган Илҳом ўлим билан курашиб ётган маҳалда ака-укалар ўмарилган контактларни пуллаш дардида эдилар. Қотиллар ўғриланган молларни сотиб, ҳамёнларига ургач, қилган ишларининг оқибатидан чўчиб, уйга келадилар. Уларни остонада оналари қарши олади. Она воқеани эшитгач, улар содир этган жиноят изини яшириш мақсадида таниши Мираҳмад Исмоновнинг олдига боради. Унга эшитганларини айтади. Исмонов бу илтимосни рад этолмайди. Милиция ходимининг тўппонча ва ўқларини олиб, уни йўқотиш чорасини кўради. Хизмат вазифасини бажариб турган милиционерга тегишли тўппонча ва ўқни Бўстонлиқ тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи «Паркент» каналига ташлаб юборади. Шу билан ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолади, деб ўйлайди.

Ука-сингиллару куёв жиноятни яшириш билан овора бўлиб турган пайтда Чирчиқ дарёси бағрида бегуноҳ бир инсоннинг жасади чайқаларди. У уйида меҳрибонлари кутиб турган Илҳом Исломовнинг жасади эди. Ҳа, шундай. Олган тан жароҳатидан сўнг ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, беҳуш ҳолдаги Илҳом Исломов жон таслим қилганди...

Суд ака-ука Соиповларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини адолатли баҳолади. Жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳам тегишли жазоларини олдилар.

Эндигина йигирма икки ёшга тўлган, айбсиз йигитнинг умрига зомин бўлган ака-укаларнинг қотиллигини эшитган борки, нобакорларни қарғади. Машъум ёвузликни содир этганларга лаънатлар айтилди. Ўзганинг мулкини ўмаргани етмагандек қотилликка қўл урган, қўли қон Соиповларни яна бир жазо кутиб турмаётганмикин?! У Оллоҳнинг жазосидир.

**Икром МУСЛИМОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси.**
**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**танлов савдоси эълон қилади.**

**Янгидан қуриладиган иншоотлар**

1. Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳрида 600/50 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

***Қурилишни тугаллаш муддати — 205 кун.***

2. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Карашина қўрғонида 750/50 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши.

***Қурилишни тугаллаш муддати — 205 кун.***

3. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Эски Яккабоғ қишлоғида 5-ТИП спорт иншооти қурилиши.

***Қурилишни тугаллаш муддати — 120 кун.***

*Буюртмачи — Қашқадарё вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.*
*Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.*
*Телефонлар: (375) 227-16-56, 227-14-60. Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — ***Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79, 221-16-01.***

*Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.*

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин вилоят консалтинг маркази биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уй.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти масъул ходим Т. В. Моторнюкка волидаи муҳтарамаси **Валентина Александровна ШАНДИНАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Янги тиббий техника қўмитаси етакчи мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Озод Мухамедович НАЖМИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси Ғазначилик департаменти бошлиғи Даврон Ибрагимовга падари бузруквори **Рустам ИБРАГИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва эстрада жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаевага падари бузруквори **Мелик ЯРМУХАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошкент гўшт-сут савдо» ОАЖ жамоаси 5-музхона технология цехи бошлиғи Равшан Юнусовга волидаи муҳтарамаси **АҚИДА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«COSCOM» Ўзбек — Америка қўшма корхонаси жамоаси корхонанинг бош мутахассиси Нусрат Исхаковга онаси **Паридахон ая АҲМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи жамоаси махсус фан ўқитувчиси Нажмиддин Назировга рафиқаси **ЖАМИЛА опанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 5 6